

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
**№ 7- СОНЛИ КЕНГАШ БАЁННОМА ҚАРОРИ**

Тошкент ш.

27 февраль 2019 йил

Раис – профессор Ж.А.Ризаев

Котиб –доцент А.А.Юлдашев

Институт Кенгаш раиси, профессор Ж.А.Ризаев куйидаги кун тартиби асосида кенгаш мажлисини очди:

**Кун тартиби:**

1. Молиявий йил якуни бўйича ҳисобот. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909 сон қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида бажарилган ишлар ва келгуси режалар  
**Маърузачи:** Ишлар бошқармаси бошлиғи Ғ.Элмуродов
2. Юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позицияга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар  
**Маърузачи:** Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлим бошлиғи Э.Тангиров
3. Марказий муаммолар ҳайъатининг фаолияти ҳақида  
**Маърузачи:** Ҳайъат раиси
4. Ўқув-услубий ишларнинг ҳолати, такомиллаштириш йўллари  
**Ахборотчи:** Таълим сифатини назорат қилиш бўлим бошлиғи У.Воҳидов
5. Профессор ва ўқитувчиларни танлов асосида лавозимга сайлаш.
6. Ўқув-услубий ишларни тасдиқлаш.
7. Турли масалалар

Кўриб чиқилган кун тартибидаги биринчи масала: ТДСИда илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ҳолати, мавжуд муаммолар. Илмий мақколалар ва илмий ишларнинг халқаро талабларга мослиги. Маърузачи: Илмий ва инновация ишлари бўйича проректор проф. Амануллаев Р.А.

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Кафедрада фаолият олиб бораётган ҳар бир профессор ўқитувчи томонидан ОАК томонидан эътироф этилган ва юқори импакт факторли хорижий журналларда йил давомида 2 та мақола чоп этилиши таъминлансин. Ушбу таклиф йиллик аттестацияда доимий назорат қилиб борилинсин.

**Масъул – Илмий ва инновация ишлари бўйича проректор,**

**Ишчи гуруҳ аъзолари**

**Муддат – доимо**

2. 2019 йилдан бошлаб ҳар бир профессор-ўқитувчилар томонидан Scopus базасидаги илмий нашрларда камида 1 тадан мақола чоп этилиши таъминлансин.

**Масъул – Барча кафедра мудирлари**

**Муддат – Йил давомида**

3. Салоҳияти 40% дан кам бўлган кафедралардаги илмий даражага эга бўлмаган профессор ўқитувчиларнинг илмий мавзулари шакллантирилсин ва 2020 йилдан олий таълимдан кейинги институтда изланувчи сифатида фаолият олиб борилиши таъминлансин.

**Масъул – Барча кафедра мудирлари**

**Муддат – Доимо**

4. Устоз-шогирд тизимига амал қилган ҳолда кафедранинг фан докторлари ва фан номзодлари юқори малакали илмий педагогик кадрлар тайёрлаш жараёнига жалб этилсин.

**Масъул – Барча кафедра мудирлари**

**Муддат – Доимо**

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Кўриб чиқилган кун тартибидаги иккинчи масала: Молиявий йил якуни бўйича хисобот. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида бажарилган ишлар ва келгуси режалар.

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори ижроси бўйича Тошкент давлат стоматология институти Бош биносининг қурилиш ишлари жадаллаштирилсин ва белгиланган муддатларда тугатиш чоралари кўрилсин.

**Масъул – Ишлар бошқармаси, бош бухгалтер**

**Муддат – ўқув йили давомида**

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори ижроси бўйича 2019 йилда Институт моддий техник базасини ривожлантирилсин.

**Масъул – Ишлар бошқармаси, бош бухгалтер**

**Муддат – Тўрт ой муддатда**

3. Институтнинг илмий ва ўқув лабораторияларини керакли бўлган лаборатор жихозлар билан таъминлансин.

**Масъул – Ишлар бошқармаси, бош бухгалтер**

**Муддат – Тўрт ой муддатда**

4. Педагог кадрларнинг касб маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш, хорижда педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва стажировкасини ўтказиш, институт ўқув жараёнларига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни кенг жалб қилиш, уларнинг келиб кетиши, турар-жой, овқатланиш ва бошқа харажатлар институт маблағлари хисобидан таъминлансин.

**Масъул – Ишлар бошқармаси, бош бухгалтер**

**Муддат – Тўрт ой муддатда**

5. Дунёнинг илғор университет базаларида тизимли асосда институтимиз магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка ўташлари учун сарф-харажатлар институт маблағлари хисобидан таъминлансин.

**Масъул – Ўқув ва тарбиявий ишлари бўйича проректор, Ишлар бошқармаси, бош бухгалтер**

**Муддат – Тўрт ой муддатда**

6. Талабалар турар жойида яшаш учун тўловни бакалаврият ва магистратура босқичлари талабалари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50%, Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлмаган талабалар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 100%, Малака ошириш факультетида узоқ ва қисқа муддатли малака ошираётган курсантлар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 150% миқдоридан белгилансин.

**Масъул – Ўқув ва тарбиявий ишлари бўйича проректор,**

**Малака ошириш факультети декани, Ишлар бошқармаси, бош бухгалтерь,**

**Муддат – Доимо**

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Кўриб чиқилган кун тартибидаги учинчи масала: Юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позицияга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар.

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Институтда юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позицияга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш ишлари тизимли ташкил этилсин.

**Масъул – Маънавият маърифат ва ёшлар билан ишлаш бўлими,  
барча факультетлар маънавият ва маърифат декан ўринбосарлари,  
гуруҳ мураббийлари**

**Муддат – Доимо**

2. Гурух мураббийлари ишларини янада самарали ташкил қилиш доимий назоратга олинсин ва танқидий таҳлил этиб борилсин.

**Масъул – Маънавият маърифат ва ёшлар билан ишлаш бўлими,  
Бош мураббий**

**Муддат – Доимо**

3. Гурух мураббийларининг фаолиятини баҳолашнинг Намунавий мезонлари асосида қайта кўриб чиқилсин ва устама ҳақлари миқдорини шунга қараб белгилансин.

**Масъул – Маънавият маърифат ва ёшлар билан ишлаш бўлими,  
Бош мураббий, Молия-режа бўлими**

**Муддат – Бир ой муддатда**

4. Янги ташкил этилган “Устоз-шогирд” тизимини доимий назорат қилинсин.

**Масъул – Маънавият маърифат ва ёшлар билан ишлаш бўлими  
Муддат – Доимо**

5. Ёзги аттестация жараёнларида профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режаларида акс этган “Устоз-шогирд” тизими бўйича ишларини танқидий ўрганилсин.

**Масъул – Маънавият маърифат ва ёшлар билан ишлаш бўлими  
Муддат – Тўрт ой муддатда**

6. Мунтазам равишда институт ходимлари ва талабалар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилсин.

**Масъул – Маънавият маърифат ва ёшлар билан ишлаш бўлими, “Медик” спорт  
комплекси**

**Муддат – Доимо**

7. Институтни ривожлантиришга ҳар томонлама ҳисса қўшаётган профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талаба-ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлансин.

**Масъул – Ишлар бошқармаси, бош бухгалтер  
Муддат – Доимо**

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Кўриб чиқилган кун тартибидаги тўртинчи масала: Ўқув-услугий ишларнинг ҳолати, такомиллаштириш йўллари. Ахборотчи: Таълим сифатини назорат қилиш бўлим бошлиғи У.Воҳидов

1. Хорижий мутахассисларни халқаро алмашинув асосида дарс жараёнига жалб қилинсин, ҳамда улар билан ҳаммуаллифликда ўқув адабиётлари яратилсин.

**Масъул – Таълим сифатини назорат қилиш бўлими, ўқув-услугий бўлими,  
кафедра мудирлари**

**Муддат – Тўрт ой муддатда**

2. Институтдаги ўқув лабораториялар замонавий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозлаш учун чоралар кўрилсин.

**Масъул – Ишлар бошқармаси, бош бухгалтер  
Муддат – Тўрт ой муддатда**

3. Профессор-ўқитувчилари томонидан ўзбек (лотин ёзуви) ва рус тилларида ўқув адабиётлари, электрон дарслик, инновацион ўқув адабиётлар яратилсин.

**Масъул – Кафедра мудирлари  
Муддат – Тўрт ой муддатда**

4. 43 та ўқув аудиторияларни замонавий компьютер технологиялари билан тўлиқ таъминлансин.

**Масъул – Ишлар бошқармаси, бош бухгалтер  
Муддат – Тўрт ой муддатда**

5. Мутахассислик фанлар билан интеграция кучайтирилсин.

**Масъул – Таълим сифатини назорат қилиш бўлим бошлиғи  
Муддат – Тўрт ой муддатда**

6. Институт сайтида талабаларнинг мустақил таълим олиши учун электрон маълумотлар базаси шакллантирилсин.

**Масъул – Таълим сифатини назорат қилиш бўлими, АКТ бўлими**

**Муддат – Икки ой муддатда**

1. Москва шаҳрида МДТСУда бўлиб ўтган стоматология факультети талабаларининг халқаро олимпиадасида иштирок этиб мутлоқ ғолибликни ва 2-ўринни эгаллаган кўлга киритган Стоматология факультети талабалари Хайитметов Сардор 2 000 000 миллион сўм пул мукофоти, Минбаев Фаррух ва Ҳамидов Бобиржонлар 1 000 000 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирлансин.


**Масъул – Ишлар бошқармаси бошлиғи, бош бухгалтерь,  
режа-молия бўлими**

**Муддат – 1 ой муддатда**

Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўқув ишлар ва тарбиявий ишлар бўйича проректор А.М.Хайдаров зиммасига юклатилсин.

**Институт кенгаш раиси,  
профессор**



  
Ж.А.Ризаев